



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2020 йил 29 июль, № 158 (7660)

Чоршанба

Сайтимидаги ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: КАСАЛЛАРНИ ДАВОЛАШГА ҲАМ, ИҚТИСОДИЁТНИ ИШЛАТИШГА ҲАМ МАЖБУР ВА МАСЪУЛМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 28 июль куни ҳудудларда коронавирус билан боғлиқ мураккаб вазиятни тартибга солиш бўйича кўрилатган чоралар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Бутун дунёда COVID-19 тарқалиши ҳамон давом этмоқда. Мамлакатимизда охириги беш кунда инфекция қўтирганлар сони 3 мингтага кўпайиб, 21 минг 700 нафарга етди.

Жумладан, Тошкент вилоятида 347 та, Қашқадарёда 193 та, Сурхондарёда 130 та, Самарқандда 123 та, Сирдарёда 83 та, Андижонда 79 та янги касалланганлар аниқланган. Бухоро, Фарғона, Самарқанд, Наманган, Тошкент, Хоразм вилоятларида ва Қорақалпоғистонда пневмония ҳолатлари анча кўпайган.

Маълумки, Республика махсус комиссиясининг қарорига мувофиқ, юртимизда карантин талаблари мuddати 15 августгача узайтирилди. Шу билан бирга, ҳозирги вазият пандемияга қарши кураш ишларини янада кучайтиришни талаб этмоқда.

Йиғилишда бу борада ҳудудларда долзарб бўлиб турган масалалар кўриб чиқилиб, қўшимча вазифалар белгиланди.

Республика махсус комиссиясига жойлардаги эпидемио-

логик вазиятни барқарорлаштириш ва касалларни даволашга амалий ёрдам берадиган гуруҳлар тузиб, ҳар бир ҳудудга юбориш бўйича кўрсатма берилди.

Ушбу гуруҳларга мутасадди идоралар, ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ҳамда тиббиёт олий ўқув юрталари раҳбар ва мутахассислари, шунингдек, нафақадаги тажрибали шифокорлар жалб этилади. Бу ҳудудларда аҳолига эрта ва аниқ ташхис қўйиш, беморларни касаллик даражасига қараб тўғри ва малакали даволашда муҳим омил бўлади.

Ҳокимликларга коронавирусга ихтисослаштирилган шифоналар ташкил этиш, интенсив ва реанимация ўринларини кўпайтириш, уларни зарур тиббий жиҳозлар ва дори-дармон билан таъминлаш вазифаси қўйилди. Тошкент шаҳридаги тажриба асосида COVID-19 ва пневмония билан касалланганларга дастлабки малакали тиббий ёрдам кўрсатадиган махсус поликлиникалар ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари оғир касаллар аҳолини енгиллаштирадиган тиббий ускуналар таъминоти масаласига алоҳида тўхталди.

Қайд этилганидек, охириги икки ҳафтада қўшимча равишда 370 та сунъий нафас олдириш аппарати, 1 минг 41 та портатив нафас олдириш ускунаси, 1 минг 164 та кислород концентратори ва бошқа зарур тиббий жиҳозлар олиб келиниб, ҳудудларга тарқатилди. Касаллар кўпайиши мумкинлигини ҳисобга олиб, Республика махсус комиссиясига жойларга яна қўшимча ускуналар етказиш бўйича топширик берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 25 июлдаги “Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ташкил

этилди. Ушбу хизматнинг бу-гунги кундаги энг асосий вазифаси вирус “занжири”ни узиш ҳисобланади. Шунингдек, соғлиқни сақлаш тизими, ҳокимликлар билан биргаликда беморларни соғайтириш ва улардан бошқаларга вирус юқишини камайтириш ҳам энг муҳим йўналишдир.

Йиғилишда ёш болалар, ҳомиладор аёллар, кексалар, ногиронлиги ва сурункали касаллиги бўлган фуқаролар саломатлиги устидан тизимли мониторинг олиб бориш муҳимлиги белгиланди.

Карантин даврида бирор-бир эҳтиёжманд оила эътибордан четда қолмаслиги, кам таъминланган аҳоли қатламга моддий ёрдам, озиқ-овқат ва дори-дармонларни манзилли етказиш бериш тизими “соат”дай аниқ ишлаши кераклиги таъкидланди.

— Ҳозирги шароитда касалларни даволаш ҳам, иқтисодий иш-латишга ҳам мажбур ва масъулмиз. Шунинг

учун аҳоли саломатлигини сақлаш, айти пайтда темир интизом билан ҳамма ишларни давом эттиришимиз керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ҳокимларга ўз ҳудудидаги реал вазиятдан келиб чиқиб, аниқ чоралар кўриши бўйича топшириқлар берилди. Шу билан бирга, тиббий ниқоб тақиш, ижтимоий масофани сақлаш, 65 ёшдан ошганлар зарурат бўлмаса уйдан чиқмаслиги қоидаларига қатъий риоя қилишнинг аҳамияти қайд этилди.

Видеоселектор йиғилишида ҳокимлар ва сектор раҳбарлар қатнашганидан фойдаланиб, экспорт ва инвестиция масалалари, бюджет тушумлари прогнозининг бажарилиши, гўза парвариши ва экинларни суғориш ишларининг бориши кўриб чиқилди. Ушбу масалалар юзасидан мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботи эшитилди.

Ў.А.

ДУНЁ НИГОҲИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 28 июль куни 74-сессиясининг сифатида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 28 июль куни 74-сессиясининг сифатида



Ҳужжат БМТ Бош Ассамблеяси 74-сессияси кун тартибининг 106-банди — “Жиноятларнинг олдини олиш ва жиноий одил судлов”га биноан нашр қилинди. Маълумотлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча расмий тилларида (араб, хитой, инглиз, француз, рус ва испан) таржима қилинди, барча аъзо давлатларга тарқатилди, шунингдек, А/74/951 рақами билан ташкилотнинг расмий ҳужжатлар тизимида жойлаштирилди.

БМТ томонидан нашр этилган материалда қайд этилишича, сўнгги йилларда Ўзбекистонда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижалари ҳақида маълумот берилди. Ҳужжатда айтилишича, жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган давлат сиёсатининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Президентининг Фармонига биноан, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди.

➔ 2

Олий Мажлис Сенати

ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ДАВЛАТ ВА НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲАМКОРЛИГИ МУҲИМ

Кеча “Ўзбекистонда гендер тенглиги. Хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг олдини олишда давлат, нодавлат ташкилотлари ҳамда бизнеснинг роли ва аҳамияти” мавзусида видеоконференцадо тарзида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси, халқроқ ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия қўшидаги 50 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотларидан иборат биринчи мутасаддилар ҳамда давлат идоралари ва хусусий сектор вакиллари қатнашди.

Давра суҳбатида давлат ва нодавлат ташкилотларининг хотин-қизлар ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш йўлидаги ҳамкорлигини муостаҳкамлаш, бу йўналишда учрайдиган муаммоларни ҳал этиш масалалари атрофида муҳокама қилинди. Ҳозирги карантин даврида оилавий-маиший зўравонлик ҳолатларининг кескин ортиши оқибатида жабрланган аёлларга ижтимоий-ҳуқуқий хизматларни тақдим этиш мақсадида ижтимоий шерикликни кучайтириш йўллари ҳам кўриб чиқилди.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси фаолияти юзасидан маълумот берилди. Қайд этилганидек, ушбу тузилма томонидан оқиб борилган ишлар натижасида барча вазирлик ва идораларда гендер тенглик масалалари бўйича маслаҳат кенгашлири фаолиятини йўлга қўйиш юзасидан тавсиялар тайёрланди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги ҳамда Таъйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга химоя орденини бериш, ижросини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш тўғрисидаги низоми, шунингдек, “2020 — 2030 йилларда Ўзбекистон Республикасида гендер тенглиги стратегияси” лойиҳаси ишлаб чиқилган. Қолаверса, www.genkop.uz сайти ишга туширилди. Оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар ва расмий ахборот сайтлари орқали тарғибот-тушунтириш тадбирлари олиб борилмақда.

Бирок, шунга қарамай, гендер тенгликни таъминлаш соҳасида қатор муаммо ҳамда камчиликлар мавжудлиги алоҳида таъкидланди. Хусусан, давлат органлари ва ташкилотларида хотин-қизлар ҳамда эркаклар учун тенг имкониятларни яратишга қаратилган фаолиятни мувофиқлаштириш зарурати мавжуд.

Шу жиҳатдан тадбир иштирокчиларига “Ўзбекистонда аёлларни қўллаб-қувватлаш, химоя қилиш ва имкониятларини кенгайтириш мақсадида фуқаролик жамиятини ривожлантириш” лойиҳаси ҳамда унинг доирасидаги тадбирларнинг мақсад ва вазифалари юзасидан кенг тушунтириш берилди.

Шунингдек, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш орқали гендер тенглигига эришишда давлат ва нодавлат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйишда учрайдиган муаммолар кўриб чиқилди, уларнинг ечими юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

«Халқ сўзи».

ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА АҲОЛИНИ ТИББИЙ ЁРДАМ БИЛАН ҚАМРАБ ОЛИШ МИҚЁСИ ЯНАДА ОШИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 27 июль куни Тошкент шаҳрида коронавирус пандемиясига қарши курашиш, бу борадаги ишларнинг самарадорлигини, аҳолига сифати ва ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатиш қамровини ошириш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ҳисоботини тинглади.

Презентация шаклидаги муҳокамада Ўзбекистон Республикаси Бош вазир, марказий муассасалар, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, мамлакатда санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга жалб этилган бошқа ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Муҳокама жараёнида берилган топшириқлар ва уларнинг ижроси доирасида олиб борилаётган ишлар ҳақида мутасадди ташкилотлар вакиллари фикр-мулоҳазаларини ёзиб олди.

Муносабат

Беҳзод МУСАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари:

— Ўзбекистон Республикасида коронавирус пандемияси тарқалишига қарши олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди. Ушбу курашга барча тизимларни, биринчи навбатда, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Мудоҳаза вазирлиги ва уларнинг қўшидаги госпиталларни жалб қилиш ҳақида кўрсатма берилди. Ҳозирги кунда ушбу госпиталларда ниҳоятда малакали мутахассислар таркиби йиғилган. Жаҳон тажрибаларини ўрганган ҳолда, ушбу ҳуқуқчи муҳофаза қилувчи тизимдаги госпиталларга қўшимча филиал сифатида 2 мингта ётоқ ўринлари зудлик билан очилиши юзасидан топширик берилди. Эртадан бошлаб шунга тегишли бўлган мутахассислар жалб қилинади, курилиш ишлари ҳам якунига етказилмоқда. “Узэкспомарказ” павильонларида уларга алоҳида жой ажратиб берилди. Шу ернинг ўзига госпиталларнинг мутахассислари ва малакали кадрларини жалб қилиш ҳолда, халқимизга қўшимча ёрдам кучи бериш бўйича топ-

шириқ ва кўрсатмалар берилди. Бу ишларни амалга оширишга зудлик билан киришилди.

Улғубек СОБИРОВ, соғлиқни сақлаш вазир ўринбосари:

— Бугунги кунда Назарбек санаторийси базисида энг шифохона ташкил этиляпти. Ушбу шифохона COVID-19 билан касалланган беморларни даволайди. Бу ерда малакали шифокорлар, хусусан, реаниматологлар, инфекциячилар, педиатрлар ва бошқа мутахассислар жамланади. Ишонтириб айтманки, жонжур ва олижаноб шифокорларимиз бу ерда аҳолига сифатли ва замонавий тиббий ёрдам кўрсатади. Ва яна бир нарсани алоҳида таъкидлашимиз жоизки, мазкур шифохонада телемедицинадан фойдаланган ҳолда, нафақат ўзимизнинг маҳалли, балки хорижий таникли шифокорлари билан маслаҳатлашган ҳолда беморларга зарур ёрдамлар кўрсатилади.

Пирназар АЛИХАНОВ, Давлат хавфсизлик хизмати марказий полилиникаси бошлиги: — Йўли ойининг охириги ўн кунлиги мобайнида юртимизда коронавирус инфекция-

сининг тарқалиши ва уларнинг инсонларга солаётган хавфи, яъни ўлим ҳолатлари кўпайди. Давлатимиз раҳбари, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонлиги тиббиётда қўлланиб келинаётган тажрибалардан фойдаланиш, Тошкент шаҳрида 2 мингдан ортиқ ўрин-жойларга эга бўлган стационар фаолиятини ташкил этиш бўйича вазифалар қўйди. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, Қуролли Кучлар тизимидаги барча ҳарбий хизматчилар, ҳарбий шифокорларимиз керакли вазифаларни ўзларига белгилаб олиши, Хусусан, биз мазкур стационларда беморларга ўз вақтида ва малакали тез тиббий ёрдам кўрсатишни ўз олимизга мақсад қилганимиз.

Ҳошим УСМОНОВ, Ички ишлар вазирлиги марказий госпитали бошлиги:

— Халқимиз саломатлигини муҳофаза қилиш борасида сўнгги вақтда олиб бораётган саъй-ҳаракатларга қарамадан, афсуски, мамлакатимизда коронавирус инфекциясига чалинганлар сони ошиши ҳамон сақланиб қолмоқда. Ана шуларни ҳисобга олиб, республикада карантин чоралари кучайтирилди. Ва беморларни даволаш йўналиши бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий госпиталига филиал сифатида “Узэкспомарказ” павильонидан жой ажратилди. 750 ўринли маскан тиббий жиҳозлар, малакали шифокорлар билан таъминланади. Бизнесинг энг биринчи вазифамиз — халқимизга коронавирус баросидан қутулиш ёрдам бериб, самарали натижаларга эришиш.

«Халқ сўзи».

БИЗНЕС УЧУН ҚУЛАЙЛИК ҚАНЧАЛИК КЕНГАЙИБ БОРАВЕРСА, ЯШИРИН ФАОЛИЯТГА ШУНЧАЛИК НОҚУЛАЙЛИК ЯРАТИЛАВЕРАДИ

Соғлом рақобат — иқтисодий барқарорлик омили. Зотан, қаерда шундай муҳит яратилса, ўша жойда тадбиркорлик, ишбилармонлик яшии равнақ топади. Одамлар фаровон турмуш кечиради, фойдали меҳнатга жалб этилади, бандлиги, даромади ортади.

Акс садо

Эътиборли жиҳати, кейинги йилларда юртимизда ушбу йўналишда сезиларли ишлар амалга оширилди ва бу жараён изчил давом эттирилмоқда. Тадбиркорларимизга тақдим этилаётган турли имтиёз ва имкониятлар, уларнинг эркин иш-лашларига ҳалақат бераётган масалаларга ечим топилаётгани шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир. Бу ҳақда кунча Президентимиз бошчилигида “яширин иқтисодиёт”ни қисқартириш бўйича олиб борилаётган ишлар муҳокамаси-

га бағишланган йиғилишда ба-тафсил сўз юритилди. Биз унда иштирок этган айрим мутасаддилар фикрлари билан қизиқдик.

Жамшид ҚўЧҚОРОВ, иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазир:

— Йиғилишда “хуфиёна иқтисодиёт”нинг намоён бўладиган ҳолатлари алоҳида кўриб чиқилди. Демак, булар — контрабанда, айланма маблағларни камайтириб кўрсатиш, пул “ювиш”, норасмий бандлик, жисмоний

шахсларнинг ноқонуний бойиши қабили.

Мана шундай “хуфиёна иқтисодиёт” ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда, Президентимиз ишни тўртта асосий қоида асосида ташкил этиш хусусида топширик берди. Биринчиси, бу, легал тадбиркорлик фаолиятини юритиш иқтисодий жиҳатдан манфаатли бўлиши учун шароитлар яратиш ҳақида. Иккинчи қоида, дейдиган бўлсак, солиқ ва бошқа хизматларнинг қўлида амалий дастакларни, яъни чора кўриш амалиёти мавжудлиги. Шуларнинг самарадорлигини ошириш ҳақида, яъни кимда-ким солиқ тўламаётган бўлса, айланма маблағлини беркитаётган бўлса ёки контрабанда билан шуғулланётган бўлса, уларга нисбатан жазо муқаррарлигини таъминлаш.

➔ 3

БРМни амалга ошириш чорраҳасида: ПАНДЕМИЯ, ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ ВА ПАРЛАМЕНТ САЛОҲИЯТИ

Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) инсониятни химоя қилиш ва фаровонлигини оширишга қаратилган. У бу борада яқдиллик билан саъй-ҳаракат қилиш учун ўзига ҳоким ҳисобланади. Бинобарин, БРМнинг 2030 йилгача мўлжалланган кун тартиби янги дунё ҳақидаги дадил тасаввурдир. Унда ижтимоий ҳамда сиёсий адолатга содиқ қолиш, ижтимоий ва сиёсий ҳисобдорликнинг янги шакллари қўллаб-қувватлаш сари имкон қадар кўпроқ интилишлар ўз мўжассамини топган.

Долзарб мавзу

Бугунги коронавирус инқизи шароитида Барқарор ривожланиш мақсадлари ҳар доимидан ҳам долзарб. Нега деганда, дунё тарихий қўламларга эга бўлган, хусусан, кейинги 50 йил давомида қузатилмаган энг йирик таҳдид ва инқирозга дуч келиб турибди. БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш таъ-



кидлаганидек, “COVID-19 пандемияси келтириб чиқарган инқирознинг нақадар жиддий экани барча учун тушунарли бўлмоғи керак”.

Жорий йилнинг иккинчи чорагида жаҳон миқёсида тахминан 400 миллион иш жойи мавжудлигига тенг бўлган қувватдаги улкан иқтисодий салҳият бой берилди. Бундан ташқари, экспертлар қайд этганидек, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш борасидаги имкониятларимиз йўлга COVID-19 жиддий тўсиқ бўлмақда.

➔ 2

БИЗНЕС УЧУН ҚУЛАЙЛИК ҚАНЧАЛИК КЕНГАЙИБ БОРАВЕРСА, ЯШИРИН ФАОЛИЯТГА ШУНЧАЛИК НОҚУЛАЙЛИК ЯРАТИЛАВЕРАДИ

Учинчи масала, Президентимиз “хуфийёна иқтисодиёт”га, умуман, коррупцияга қарши курашга жамоатчиликни, биринчи навбаторда, нафақат Олий Мажлис депутатларини, балки вилоят, туман Кенгашлари депутатларини, журналистларини, нодавлат нотижкорат ташкилотларини жалб қилиш кераклигини айтди. Тўртинчидан, давлат харидлари тизими ҳақида Молия вазирлигига топшириқ берилди: қонунни янгилаш, умуман, янгилаш тартиб ўрнатиш, коррупция ҳолатларини келтириб чиқарадиган сабабларнинг олдини олиш бўйича.

Темур ИШМЕТОВ, молия вазيري:
— Танқидий рўнда ўқазилган йиғилишда асосий урғу “хуфийёна иқтисодиёт”да асосий фактор сифатида коррупция эканлиги муҳокама этилиб, шу йўналишда чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича кўрсатмалар берилди. Хусусан, вазирлигимизга келадиган бўлса, унга йўналиш бўйича масала кўтарилди. Биринчиси, коррупцияга қарши курашишда давлат харидлари тизимини такомиллаштириш, иккинчиси, ижтимоий нафақаларни фуқароларга тўлашда коррупция аломатларини тўлиқ бартараф этиш бўйича чоралар кўриш ва учинчиси, бюджет маблағларини ишлатиш самардорлигини ошириш, умуман, бюджет шарафлиги ва ошқоралигини кейинги босқичга кўтариш. Шу билан бирга, амалиётдаги бир қатор камчиликларга

Акмал БУРХОНОВ, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори:
— Йиғилишда Президентимиз томонидан Ўзбекистонда “яширин иқтисодиёт”ни бартараф этиш масалалари бўйича аниқ вазифалар кўйилди. Таъкидландики, бундан ташқари коррупциянинг фикрига қўра, Ўзбекистонда иқтисодиётнинг 48 фоизи “яширин иқтисодиёт”ни ташкил этади. Энг муҳими, “хуфийёна иқтисодиёт” коррупция билан домён ёнма-ён юриши айтиб ўтилди. Биргина мисол, тадбиркор қайси бир ишни битирши учун ёки қурилиш соҳасида руҳсат олиш учун пора берадиган бўлса, яъни коррупцияга йўл қўядиган бўлса, бу, ўз-ўзидан “хуфийёна иқтисодиёт”ни келтириб чиқаради. Бу эса давлат иқтисодиётига зарба бериши табиийлиги таъкидланди. Шунингдек, йиғилишда айтилдики, “хуфийёна иқтисодиёт”, коррупция масаласида фақатгина

Муроджон АЗИМОВ, Давлат божхона кўмитаси раиси:
— Президентимиз йиғилишда божхона идоралари олдида ҳам “яширин иқтисодиёт”га қарши курашиш борасида бир қатор вазифаларни кўйди. Хусусан, ташқи савдода “яширин иқтисодиёт”ни қисқартириш, ташқи савдонинг доимий мониторинг қилиб бориш, божхона тўловларини тўғри ҳисоблаш ва тўлақонли ўндириб олиш, шу билан бирга, тўловга қўрилган божхона товарлари қиймати ва сайтирилишининг олдини олиш, инсон омиллини янада чеклаш ва божхона идораларининг ошқоралигини таъминлаш бўйича топшириқлар берилди. Божхона органлари томонидан жорий йилнинг ўтган даври-

Шерзод КУДБИЕВ, Давлат солиқ кўмитаси раиси:
— Юртбошимиз томонидан йиғилишда “хуфийёна иқтисодиёт”ни, умуман, коррупция да-ражасини қисқартириш бўйича давлат солиқ органлари олдида тўртта асосий йўналишда масала кўйилди. Биринчи йўналиш, давлат солиқ органлари тадбиркорларимизга қўмақчи бўлиши ва иш услубимизни ўзгартириш. Иккинчи катта йўналишимиз, бу, албатта, ҳалқимизнинг кенг қатлами харид ҳуқуқларини ҳам қилиш. Аҳоли орасида жуда кўп эшитилган, пластик қарталарда қабул қилиш-қилмаслик масалалари ва пластикдан тўлаётганда нарҳда фарқ қилиш, чек олиш ва чекни талаб қилиш

Бунёдкорлик

«НУКУС» ПОЛИГОНИДА ЯНГИ ОБЪЕКТЛАР ҚУРИЛИШИГА КИРИШИЛДИ

Юртимизнинг энг олис гарнизонида жойлашган “Нукус” полигонини инфратузилмасини янада такомиллаштириш мақсадида қўшимча 15 га яқин объектларни қуриш ва таъмирлаш ишларини олиб бориш учун рамзий тамал тоши қўйилди.

— Миллий армиямизда рўй бераётган ижобий ўзгаришларга ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз, — дейди Шимоли-Ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони, полковник Фарҳоджон Шерматов. — Президентимиз



Миллий армиямизда рўй бераётган ижобий ўзгаришларга ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз, — дейди Шимоли-Ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони, полковник Фарҳоджон Шерматов. — Президентимиз

Бизнинг интервью

«САЙЛОВЧИ ИШОНЧИНИ ҚОЗОНИШ ДЕПУТАТ ЗИММАСИДАГИ МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФА»

Йил бошида тузилган режалар сарҳисоб қилиниб, олиб борилган ишлар чуқур таҳлилдан ўтказилиши фаолият натижаларини янада оширишга хизмат қилади. Бу, шунингдек, галдаги вазифаларни белгилашда, йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этишда муҳим аҳамиятга эга.

Хўш, хозирги мураккаб вазият — пандемия шароитида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўмиталари қандай фаолият юритмоқда? Утган олти ойликдаги таҳлил натижаларидан қандай хулосага келинди? Мухбиримизнинг Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси раиси Шарофиддин НАЗАРОВ билан суҳбати шу ҳақда бўлди.

— Шарофиддин Ҳакимович, Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси аъзолари биринчи ярим йилликда халқимиз ишончини қай даражада оқлай олди? Иш режасидаги вазифаларни бажаришда нималарга кўпроқ аҳамият қаратилди?

— Аёнчи, янги сайланган парламент фаолияти янги ўн йилликнинг бошланишига тўғри келди. Шу муносабат билан Президентимизнинг Олий Мажлисига Мурожаатномасида нафақат 2020 йил, балки мамлакатимизни ривожлантиришдаги келгуси 5—10 йиллик истиқболда белгилаб берадиган вазифалар кўйилди, десак ўринли бўлади.

Ушбу стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳужжатдан келиб чиққан ҳолда кўмитамиз ўз фаолиятини, асосан, учта йўналишда, чунинки, қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил тадбирларини ўтказиш, эшитувлар ташкил этиш, шунингдек, сайловчилар мурожаатлари билан ишлаш, энг долзарб муаммолар бўйича конференция ва семинарлар қатнашиш, давра суҳбатларини ўтказиш ҳамда оммавий ахборот воситалари билан бирга ишлаш орқали олиб бормоқда.

Иш режамизда қонун ижодкорлигига оид бир қатор чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, бу бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, Давлат дастуридagi устувор вазифалар бажарилишининг парламент назоратига оид ҳамда ҳар бир кўмита аъзосининг депутат сифатида ўз сайловчилари билан ишлаши, Халқ қабулхоналари билан доимий алоқада бўлиш ҳамда ўзлари сайланган ҳудудда яшаётган аҳоли муаммоларини ўрганиш ва ечимини

Бугуннинг гапи

Ҳа, баъзида тағи пуч, кишини ваҳимага солидиган миш-мишлар оқибати ана шундай нохуш ҳолатларга олиб келади. Ваҳоланки, ҳар қандай касаллиқни, жумладан, қоронавирус балиғини ҳам ваҳима эмас, вазминлик, тартиб-қоидага қатъий амал қилиш, беморларни даволашга профессионал ёндашув эвазига енгил мумкин.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси маълумотларига қўра, 27 июль ҳолатида “тождор” вирусга чалинган беморлар сони 721 нафарга етган. Уларнинг 80 фоизи соғайиб, оиласи бағрига қайтган. Аф-

сусли, беш нафар бемор вафот этди. Стационар шароитда даволанаётганларга малакали тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Карантинга олинган фуқаролар доимий назоратда. Аммо хотиржамликка берилиш мавриди эмас. Шу мақсадда вилоятда Call-марказ фаолияти йўлга қўйилди. У орқали мурожаатчиларга зарур тиббий маслаҳатлар берилмоқда. Ҳудудда тез тиббий ёрдам бригадалари ва махсус реанимацион гуруҳлар фаолият кўрсатмоқда. “103” хизмати чалинганга улзукисиз ва ўз вақтида жавоб берапти. Вилоят маркази ҳамда Когон тумани

режалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнини тизимлаштириш, бошқаруving барча даражасида (республика, тармоқ ва ҳудуд) уларнинг ўзаро боғлиқлик ҳамда келишувини таъминлаш, стратегик режаларни амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг масъулияти ҳамда ўзаро ҳамкорлигининг мақсадага йўналганлигини ошириш, концепциялар, стратегиялар ва ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш сифатини яхшилашга хизмат қилади.

Айни пайтда қонун лойиҳаси фракциялар ва кўмиталар томонидан қўриб чиқилмоқда, яқин кунларда иккинчи ўқишга тайёр бўлади.

Кўмита томонидан тайёрланган яна бир катта яхлит қонун лойиҳаси аудиторлик фаолиятига оид бўлиб, мазкур ҳужжат Президентимизнинг 2019 йил 19 сентябрдаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.


Шунингдек, кўмитамиз аъзолари муҳим қонун лойиҳаси устида иш олиб бормоқда. Қонун лойиҳасида “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунга асосан, акциялар

фонд биржасининг биржа котировкаси ва рағи қиритилган жамият Корпоратив ахборотнинг ягона порталида ҳамда жамиятнинг расмий веб-сайтида бошқа юридик шахсларнинг 5 ва ундан ортиқ физ акцияларига (улушларига, пайларига) эгаллик қилиши тўғрисидаги ахборотни акциялар (улушлар, пайлар) олинган пайтдан эътиборан 72 соат ичида эълон қилиш талаблари белгиланмоқда.

— Айтингиз, ўтган 6 ой давомида кўмита томонидан назорат-таҳлил ишлари, эшитувлар қандай амалга оширилди?

— Бугунги кунда мамлакатимизда қоронавирус пандемияси шароитини ҳисобга олиб, кўмита иш режасида белгиланган тадбирларнинг кўп қисмини онлайн (видеоконференца-ла) тарзда амалга оширмоқдамиз. Шу йилнинг май-июнь ойларида Қорақалпоғистон Республикасида 2 та назорат-таҳлил ишлари олиб борилди, 5 та эшитув ўтказилди.

Жумладан, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг жорий йил ўтган даврида макроиктисо-



дий барқарорликни таъминлаш ҳамда иқтисодиёт тармоқларида “яширин иқтисодиёт” улушини янада қисқартириш бўйича олиб борган ишлари тўғрисидаги ахборотлари эшитилди. Муҳокамалар чоғида “яширин иқтисодиёт” улушини янада қисқартириш, унинг вуқудга келиш омилларига қарши курашиш мақсадида вазирлик олдида турган хисоботлар юзасидан тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

Бундан ташқари, 2020 йилда инфляция даражасини пасайтириш ва инфляциявий таргетлаш тизимини жорий қилишга бағишланган эшитувда Давлат статистика кўмитаси ҳамда Марказий банкнинг шу йил ўтган даврида кун тартибидagi масала бўйича олиб борилган ишлари тўғрисидаги ахборотлари эшитилди.

Шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, Ҳисоб палатасининг 2019 йилдаги фаолияти тўғрисида хисобот ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2019 йилдаги ижроси тўғрисидаги хисоботлари тингланди.

Ушбу хисоботларда кўмита аъзолари асосий эътиборни бюджет интими, шафқатлиги ҳамда ҳисобдорлиги масалаларига қаратдилар. Бюджетдан маблағ ажратилса, аввало, улардан қутилаётган самардорлик ва натижадорлик асосий баҳолаш мезони сифатида қаралмоқда.

— Аҳоли билан мулоқот қилиш, айниқса, сайловчи билан мурожаатларига эътибор қаратиш, уларни йўналтираётган масалаларга ечим топиш депутат фаолиятида муҳим аҳамиятга эга. Кўмита аъзоларининг бу борадаги саъй-ҳаракатлари ҳақида нималар дея оласиз?

— Албатта, сайловчи ишончини қозониш ҳар бир депутат зиммасидаги масъулиятли вазифа. Шу нуқтаи назардан, кўмита аъзоларининг ўз сайловчиларига чиқиб, аҳоли ва сайловчиларни ташвишга солаётган муаммоларни ўрганиб бориш амалиёти тизимли йўлга қўйилган. Депутатлар ҳудудларда пандемия шароитида аҳоли соғлигини сақлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатиш ишларининг бориши

Зиёда АШУРОВА («Халқ сўзи») суҳбатлашди.

ГЕРМАНИЯДАН ЎЗБЕКИСТОНГА ГУМАНИТАР ЁРДАМ

Маълумки, Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонаси ташаббуси билан “Friedensdorf International” халқаро хайрия ташкилоти кўмагида мамлакатимизнинг тиббий ва ижтимоий муассасаларини қоронавирусга қарши курашишда қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, техноген фалокатдан азият чеккан Сирдарё вилояти аҳолисига ёрдам беришга қаратилган инсонпарварлик акцияси ўтказилган эди.

27 июль куни Тошкентга чартер рейси билан акция доирасида тўпланган тиббиёт жиҳозлари, ногиронлар аравачалари, дори-дармонлар, тиббиёт асбоб-ускуналари, материаллар ва ҳимоя воситаларидан иборат инсонпарварлик ёрдами етказиб берилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Германиянинг “Friedensdorf International” ва Ўзбекистоннинг “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди 2002 йилдан буён ҳамкорлик қилади. Утган давр мобайнида, “Friedensdorf International” ёрдамида 300 дан ортиқ ўзбекистонлик болалар Германияда бепул даволанди. Шу кунларда ҳам 16 нафар жажжи юрдошимиз Германиянинг турли клиникаларида даволанмоқда. Инсонпарварлик ёрдами таркибида Германияда даволанган ўзбекистонлик болалар учун махсус дори-дармонлар ҳам бор.

Эслатиб ўтамиз, Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 20 — 23 январь кунлари Германияга расмий ташрифи доирасида “Friedensdorf International” халқаро хайрия ташкилоти Ўзбекистон болалари саломатлигини сақлашда фаол иштирок этгани учун II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан мукофотланган эди.

“Friedensdorf International” халқаро хайрия ташкилотининг гуманитар лойиҳалари координатори Клаудия Пеппмюллер

Хуришд ҚОДИРОВ, Ўза мухбири.

ВАҲИМА ЭМАС, ВАЗМИНЛИК ЕНГАДИ

Инсон табиати қизиқ; баъзан масаланинг моҳиятини тузукроқ тушунамасдан ўзини ўтга-чўққа уради. Бу ҳақда тўхталишимизнинг боиси бор. Бир ҳафтача аввал Бухоро шаҳридаги дорихоналардан одамларнинг қадами узилмай қолди. Дори-дармон савдоси авжига чиқди. Танишларимиздан бири ҳатто “Алтекамани беркитаман, шекилли. Негаки, бунақада сотгани дори қолмайди”, дейишгача борди...

— Давлатимизга, шифокорларимизга раҳмат, — дейди маълум бир сабабларга қўра исм-шарифини айтишни лозим топмаган юртдошларимиздан бири. — Вилоят юқимли касалликлар ташвирхонасида даволаниб, оилам бағрига қайганимга ачча бўлди. Менда “тождор” вирус аниқланганида, очиги, дунё кўзимга қоронғу бўлиб кетди. Негаки, қўлимдаги саккиз ойлик чақоқ билан хориждан қайтганим. Шифокорларнинг ширин сўзи, муомаласи, муолажалари руҳимни кўтарди. Ўзимга ишончимни ортирдди. Уларнинг эҳтиёт чоралари туфайли касаллик чақалоғимга юқмади. Соҳа ходимлари бунақаси камданкам учрашини айтишганида қандай ҳолатга тушганимни тасаввур ҳам қила олмайсиз. Мен қўли енгил шифокорлардан бир умр қардорман...

Ҳа, шу биргина мисол ҳам ҳаёт ҳақиқатини тасдиқлайди: ҳар қандай балони ваҳима эмас, вазминлик енгади.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»)

Бошқа объектларни барпо этиш ва жиҳозлаш режалаштирилган. Яқин истиқболда мерганлар отиш жойининг қурилиши ҳамда вертолёт кўниш майдончасининг жиҳозланиши ҳам белгиланган.

Қисқаса, ҳарбийларимизнинг халқаро майдондаги ҳарбий мушобакалар ва ҳамкорликдаги ўқув-масгулотлар да муносиб иштирок этишини таъминлаш учун мазкур полигонда барча қулайликлар яратилмоқда.

Темур НАРЗЕВ («Халқ сўзи»)

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРИХИ



Илм-фан ва таълим-тарбия соҳасидаги ислохотлардан бошланган

Мамлакатни ҳаракатга келтирувчи куч, бу — илм-фан. Миллат онгу тафаккурини юксалтирувчи восита, бу — таълим-тарбия. Мазкур қонуният устувор бўлган жамиятда тараққиёт, бирдамлик ҳукм суради.

Нуктаи назар

Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги қўшма қўрама ҳужжатдаги ўнлаб илмий текшириш институтлари ўзининг иккинчи умри яшай бошлади. Илм кадрлари, олим эъзозланди. Бир пайтлар ноилоҳиядан илмни ташлаб кетган, илмий даражада бор домлалар яна ўз ишига қайтди. Қисқа давр ичида илм-фан ривожини учун сарфланган маблағларнинг ҳисоб-китоби йўқ. Олий ўқув юртиларида олиб борилган ислохотлар туфайли ўзбек илм-фанига чет элларда қизиқиш орди. Ўзбекистонлик жуда кўплаб олимлар Ватанга қайтишди. Ўзбекистон илм-фан мамлакатига айланмоқда. Хориқлик таниқли олимлар ҳам бунга алоҳида эътироф эшияпти. Илм-фан ҳеч қачон чегара билмаган. Айниқса, Марказий Осиё республикалари ўртасидаги сунъий тўсиқлар олиб ташланиши натижада соҳада Узаро ҳамкорлик янада тараққий этмоқда.

ларидан бири эди. Халқ таълими, мактабга таълим, олий таълим тизимларидаги ўқитувчи ходимларнинг жамиятдаги ўрнини оширишга, уларни моддий, маънавий рағбатлантириш ва ижтимоий муҳофазасини таъминлашга катта аҳамият берилмоқда.

инвестициядир. Президент мактабларининг ҳар бир вилоятда ташкил этилиши, ҳар хил тоифали ихтисослаштирилган мактаблар соҳада бир қатор янгилаштирилган сабаб бўлди, ижод мактаблари, улуг аждодларимиз номига қўйилган мактаблар, буларнинг барчаси халқ генотондини яхшилаш ҳамда қобилиятли ёшларга, таълим олиш имкониятини яратиб беришдир.

Олий таълимни ўзимизнинг миллий аъяна ва хусусиятларимизга таяниб, халқаро стандартларга мослаштириш жараёнини кечаётганиги, миллий рейтинг тизимининг босқичма-босқич киритилиши, юқорида айтилганидек, рақобат муҳитини яратиб, муайян даврдан кейин таълим сифатини таъминлайди.

“ Азиз САНЖАР, АҚШнинг Шимолий Каролина университети профессори, Нобель мукофоти совриндори: “Ўзбекистон илм-фани ва таълим тизими жуда катта ва бой тарихга эга. Аслида, тарих ва бугун уйғунлаштирилса, буюк қашифотлар дунёга келади. Ўзбекистон Президентининг илм аҳлига, ёш олимларга кўрсатаётган эътибори жуда кўп давлат раҳбарлигига ибратдир.”

бий таълимнинг қириб келиши соҳада бир қатор янгилаштирилган сабаб бўлмоқда. Жумладан, айрим етакчи таълим йўналишлари таълим мазмунининг истеъмолчилар хоҳиш-талабига мослашувини тезлаштириш баробарида, ички рақобатни кучайтириш механизмларидан бирига айланди.

кат таълим тизимининг халқаро миқёсда танилиши, унга мувофиқлаштириш, соҳадаги ислохотлар жадаллашувига туртки бўлди.

ШОРНАК: ЎЗБЕК ВА ҚОЗОҚ ДЎСТЛИГИГА ҲЕЧ КИМ РАХНА СОЛОЛМАЙДИ

Қозоғистон жанубидаги кичик Шорнак қишлоғидаги ҳодиса мана бир неча кундирки нафақат қўшни республикада, балки мамлакатимизда ҳам қизгин муҳокама қилинмоқда.

Шарҳ

2020 йилнинг 21 июл кўни Қозоғистоннинг Туркистон вилоятидаги таъминан 11 миң киши, асосан, қозоқлар ва ўзбеклар истиқомат қиладиган Шорнак қишлоғида унча эркак ишларида муштлашув юз берди. Сабаб майда, жанжал ва муштлашув ҳам шов-шув кўтаришга арзийдиган у қадар миқёсли эмасди. Екалашётганларни битта маҳаллий участка нозирини ҳам ажратиб қўйса бўладиган арзимас воқеа эди. Муштлашув сабабчиларини қўлга олишди.

Шорнак миллатлари дўстлик маъносидан истисно эмас, балки икки қардош халқ вакиллари бир ўлкада тинч қарор топиш аъянасининг намунаси. Шорнак — бутун бир Қозоғистон жанубида қозоқ ва ўзбек асрлар мобаънида ёнма-ён тинч ва дўстона умргузаронлик қилаётганининг кичик дурдонаси.

бўларди? Фақат маҳаллий полициянинг тезкорлиги, ҳўхўрлиги аҳолини муқаррар қирғиндан қўриқиб қолди. Уларга тасанно айтмасликнинг иложи йўқ. Қони қайноқ “букача”ларни тезда ушлашди, ивгогарларни феиқ су-ратлари ва чақирқиқлари билан бирга фощ этишди. Афтидан, Шорнакдаги миллатдошларимизнинг ёзиш-чица, маҳаллий яшовчилар тўнашув иштирокчиларининг миллатини ҳам билишмаган. Фақат “Шорнак” номи ижтимоий тармоқларда ва ОАВ хабарларида янрагандан кейин хабардор бўлишган.

жанубида қозоқ ва ўзбек асрлар мобаънида ёнма-ён тинч ва дўстона умргузаронлик қилаётганининг кичик дурдонаси.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 34 148 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Өфсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

COVID-19 ДОЛЗАРЬ САВОЛЛАРГА АНИҚ ЖАВОБЛАР

— Жанубий Кореяда ишлаб, меҳнат таътили учун Ўзбекистонга келган-ман. Яна иш жойимга қайтиб кетишим учун қандай ҳужжатлар талаб этилади ва мен қачон ортга қайтишим мумкин?

— Корея Республикаси талабига кўра, фуқаролар, аввало, мазкур давлатга қайтишдан олдин 14 кунлик мажбурий карантин котибларига риюа қилиш бўйича розилик битимини тузиши ҳамда ушбу давлатнинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан тавсия қилинган тиббиёт муассасасида жўнаб кетишдан 48 соат олдин коронавирусга тест топшириши белгиланган.

Розилик битимидега кўрсатилган Жанубий Кореядаги ўзини ўзи яқалаш манзили тегишли ташкилотлар томонидан ўрганилади. У жой карантин қоидаларига тўри келган тақдирда, фуқароларга Корея Республикасига кириш учун рўхсат берилади.

Ишчи визасига эга фуқароларнинг мазкур давлатга қартер реиси орқали кириб бориши бўйича ҳам чекловлар мавжуд. Яъни битта рейсда улар сони 60 нафардан ошмаслиги лозим.

Меҳнат таътили олиб, Ўзбекистонга келган фуқароларни қартер рейслар орқали иш жойларига қайтариш учун уларнинг ID-карталари амал қилиш мuddати бўйича рўйхат шакллантирилади. Яъни фуқаронинг ID-картаси тугаш мuddати қанча кам бўлса, у рўйхатнинг юқорисидан жой олади.

Фурастанд фойдаланиб, Жанубий Кореяда ишлаб, меҳнат таътили учун Ўзбекистонга келган фуқаролардан www.epa.gov.kz сайтидаги шахсий кабинетини маълумотларини мунтазам текшириб боришни тавсия этамиз. Агар иш беврвчи томонидан меҳнат шартномаси бекор қилинган ёки рад этилган тақдирда, зудлик билан Ташқи меҳнат миғрацияси агентлигига бу ҳақда хабар беришларини сўраймиз.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, жорий йилнинг 10 июнидан 10 июлига қадар меҳнат таътили учун Ўзбекистонга келган фуқаролардан 131 нафар қартер рейслари орқали Корея Республикасига ташкилий тарзда жўнатилди. Һозирги кунда 400 дан ортиқ фуқаролар кетишга тайёр. Аммо 13 июдан қартер рейслар орқали фуқароларни ташкилий тарзда юбориш вақтинчалик тўхтатилган. Бу борада Корея Республикасининг тегишли ташкилотлари билан музокара олиб борилмоқда.

— Пандемия сабаб Жанубий Кореяга ўз вақтида қайтиб борулганларимиз учун у ердаги иш беврвчи ташкилот мен билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилди. Виза амал қилиш мuddатим бор. Кетиш бўйича қандай ҳужжатларни расмийлаштиришим лозим? — Иш беврвчи ташкилот томонидан меҳнат шартномаси бекор қилинган санадан бошлаб, 30 кун ичида Корея Республикасига кириб боришнинг ҳамда иш алмаштириш аризасини тегишли худуддаги “Коён” марказига топширингиз талаб этилади.

— Мен ҳам Корея Республикасидега ишламан. Меҳнат таътилга келганман. Визамнинг амал қилиш мuddати тугаган. Иш жойимга кетишим мумкинми? — Иш беврвчининг Корея Республикасининг тегишли ташкилотига виза тасдиқномасини қайтадан бериш бўйича муружаат қилиши лозим. Виза тасдиқномаси берилган тақдирда, элчихона орқали расмийлаштириб, кетишингиз мумкин.

— Корея Республикасиде 4 йилу 10 ой бир корхонада ишлаб, қайта шартнома билан Ўзбекистонга қайтганман. Тегишли ҳужжатларни Ташқи меҳнат миғрацияси агентлигига тақдим қилдим. Чиқиш визам расмийлаштирилган, амал қилиш мuddати бор. Қачон Жанубий Кореяга жўнаб кетишим мумкин? — Корея Республикаси Инсон ресурсларини ривожлантириш хизмати томонидан рўхсат берилган тақдирда ташкилий тарзда жўнатиш имкони бўлади.

Бу, албатта, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси ҳамда Корея Республикасидеги эпидемиологик вазиятга боғлиқ.

— Шу ўринда Корея Республикасидан янги меҳнат шартномаси билан қайтган барча фуқаролардан хориқга чиқиш ёки фуқаролик паспортини зудлик билан Ташқи меҳнат миғрацияси агентлигига ёхўд унинг минтақавий филиалларига электрон тарзда жўнатишларини сўраймиз.

Ўз вақтида хориқга чиқиш паспортини тақдим қилган фуқароларнинг шартнома лойиҳалари ва виза тасдиқномаларини бекор бўлиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантиришимиз.

Фуқаролик паспортидеги хориқга чиқиш рўхсатномаси (ОВИР стикери) амал қилиш мuddати тугаган ва тугаш арафасида бўлган фуқаролар зудлик билан қатъий карантин қоидаларига амал қилган ҳолда, хориқга чиқиш паспортини расмийлаштиришлари кераклиги тўғрисида маълум қиламиз.

Ташқи меҳнат миғрацияси агентлиги ахборот хизмати билан ҳамкорликда тайёрланди.

ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚЎЛЪЕЗМАЛАР ТАҚРИБ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУСАЛҲА ҚАЙТАРМАЙДИ. Газетанинг муаллифи берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар. Газета тахрират компьютер марказида термид ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланган. Газетанинг полиграфия хизматидан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.